


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси

*70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши
магистратура мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Геология фанлари университети
- “Уранкамёбметгеология” АЖ

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» 08 даги 5 – сонли йигилишида маъкулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» 09 даги 302 – сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии магистратура мутахассислигининг умумий таснифи	4
1.1	Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2	70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
1.2.1.	70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари	4
1.2.2.	70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1	Умумий компетенциялар	7
2.2.	Касбий компетенциялар	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги	9

1. 70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шакларида амалга оширилади. Барча таълим шаклари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши

Малака талаблари **70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талabalari;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим муассасаларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2. 70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши мутахассислиги бўйича бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши – геология муҳандислик соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, акциядорлик жамиятларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан: геология-қидирив ишлари ва геологик илмий тадқиқотларни лойихалаш ва амалга ошириш ишлари билан шуғулланувчи, ҳар хил мулк шаклдаги, саноат ва бизнес ташкилотлари комплексини қамраб олади.

1.2.2. 70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли худудий бўлинмалари;

- фойдали қазилма конлари геологияси, қидиув ишлари бўйича олий таълим муассасалари;
- фойдали қазилмалар геологияси ва қидиув ишлари бўйича илмий-тадқиқот институтлари;
- маъдан намоёнлари ва уларнинг башоратланган ресурслари;
- фойдали қазилма конлари ва уларнинг захиралари;
- маъданли майдонлар, уларнинг геологик тузилиши ва жойлашиш қонуниятлари;
- геология-қидиув ишларини амлага ошириш лойихалари ва бажариш технологиялари;
- геология-қидиув ишлари жараёнларини тадқиқ қилиш ва такомилаштириш йўллари.

1.2.3. 70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

1.2.4. 70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидирии мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzalар, рисола, ўкув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўкув-услубий фаолият юритиш;
- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- геология-қидиув ишлари мажмуасини, жумладан геологик хужжатлаштириш, намуналаш, намуналарни таҳлил қилиш, башоратланган ресурслар ва заҳираларни хисоблаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни кўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши.

Таҳлил ва назорат фаолиятида:

- давлат, маҳаллий хукумат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг геология ва ер ости фойдали қазилмаларидан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хукукий хужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- саноат корхоналари ва геология соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;
- саноат корхоналари ва геология соҳаси бўйича ишлар сифатини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги саноат корхоналари ва геология соҳасига оид жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш, иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавф-хатарларни аниқлаш.

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ҳодимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- касбий этика қоидалариги риоя қилиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- геология тизими объектлари, жараёнлари, тизимлари, жиҳозлари ва техник воситаларидан самарали фойдаланиш;
- тизимлар, технологик жараёнлар, уларнинг элементлари ва технологик хужжатларни ишлаб чиқишида ижрочилар жамоаси таркибида иштирок этиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича геологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- геологик-иктисодий таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усууларини танлаш ва қўллаш;
- геологияга оид қурилмалар, ҳамда жиҳозларини ишлатиш бўйича мавжуд ҳолатларнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;
- геология ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш.

2. 70721612– Руда ва норуда фойдали қазилма конларини излаш ва қидириши таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъерий-хуқуқий хужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишини билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;

- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;

- геология-қидирув ишлари мажмуасини, жумладан геологик хужжатлаштириш, намуналаш, башоратланган ресурслар ва захираларни хисоблаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, қонун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-қидирув, чўкинди төғ жинслари, делъта чўкиндилари, делювий, геологик структуралар, бурғи қудуқлари, керн, кернларни хужжатлаштириш, фойдали қазилмалар, намуналаш, геологик кесма, геологик ҳариталаш, қидириш мезонлари, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, битириув малакавий иш, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт обьекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, моддий-техник база.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истемолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:



Геология фандари университети

Ректор в.б.

М.Исақов

2022 йил « 29 » 08

М.Ү.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Директор

Ш.У.Якубов

2022 йил « 29 » 08

Ректор

С.М.Турабджанов

2022 йил « 29 » 08

“Уранкамёбметгеология” АЖ

Бошқарув раиси

Ш.Йўлдошев

2022 йил « 28 » 08

М.Ү.

“Х.М.Абдуллаев номидаги Геология ва
геофизика институти” ДМ

Директор

А.Нурходжаев

2022 йил « 29 » 08

М.Ү.